

«КУРЪОНИ КАРИМ»

Куръони карим Аллох Хак субханаху ва таоло томонидан жаноб пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)га юборилган вахийлар (диний кўрсатмалар) тўпламидир. Куръони карим самовий китобларнинг охиргисидир. Йигирма уч йил давомида нозил бўлган бу ил охий китобда 114 сура жамъ бўлиб, хар бир сура уч ва ундан ортик оятлардан ташкил топган. Бу ояти карималарда Аллох таоло оламдаги энг кичик зарралардан тортиб, бўлган ва бўлажак воқеалар хакида жаноб Пайгамбаримизга хабар беради. Куръони каримда дунёдаги барча нарса ва мавжудотлар хакида фикр юритилгани каби СЎЗ хусусида фикр кетади. Куръони карим оятларида «сўз» дейилганда, аввало, «каломуллох», яъни «Аллохнинг сўзи» назарда тугилади. Шунингдек, сўз - «Лавху-л-махфуз», яъни азал ва охират китоби; сўз - «дунёнинг ибтидоси» маъноларида ҳам келади. Ушбу мажмуада сўз - «илми калом» ва юкоридаги маъноларда зохир бўлган ояти карималардан намуналар келтирилган. Шунингдек, Куръони каримда «тасаввуф» истилохи ишлатилмаса-да, мохиятан унинг табиатига дахлдор фикрлар ҳам борки, уларнинг мазмунини билиш тасаввуф назарияси ва эстетикасини ўрганиш учун калит вазифасини ўтайди.

“КУРЪОНИ КАРИМ” дан

ФОТИХА СУРАСИ

1. Бисмиллахир рохманир рохийм.

Меҳрибон ва раҳмли Аллохнинг номи ила бошлайман.

Аллох таоло ўз китобини “Бисмиллах” билан бошлагани мусулмонларга ҳам ўрнатқ, улар ҳам доим ўз сўзларини ва ишларини “Бисмиллах” билан бошламоқлари лозим.

2. Барча мактов, шукрлар оламларнинг тарбиячиси Аллохга бўлсин.

Оламларни яратгани учун ҳам, уларнинг тарбиячиси бўлгани учун ҳам, улардаги барча жонзотларга ҳаёт, ризқи рўз берувчи бўлгани учун ҳам Аллох барча ҳамду саноларга сазовордир.

3. У Роҳман ва Роҳиймдир.

“Роҳман” сифати фақат Аллохга хос бўлиб, барчага – кофирга ҳам, мўминга ҳам меҳрибон ва неъмат берувчи маҳносини англади. Роҳман сифатини Аллох таолодан бошқа ҳеч кимга нисбатан ишлатиб бўлмади. “Роҳийм” сифати эса, хосроқ бўлиб, киёмат куни фақат мўминларга раҳм қилувчи маъносини англади ва Аллохдан ўзгаларга, жумладан, Пайгамбар алайҳиссаломга нисбатан ҳам ишлатилади.

“Аллохнинг ҳулки билан ҳулкланинглар!” деган асарга асосланиб, уламоларимиз, бу оятни ўқиган ҳар бир киши раҳми бўлишга уринмоғи лозим, дейдилар.

4. У киёмат кунининг подшоҳидир.

Ушбу ояти каримада киёмат куни Явмиддин деб номланган. Дин сўзи арабчада ҳисоб, жазо, мукофот маъноларини билдиради. Явмиддин – киёмат кунида барча бандалар кайта тирилтирилиб, ҳисоб – китоб қилинади. Яхшига мукофот, ёмонга жазо берилади. Бу оятни ўқиганда киёматни эслаб, ўша дахшатли кунда фақат Аллохнинг Ўзи ҳукм чиқариши, ўша ерда уялиб қолмасликни ўйлаб, унга тайёргарлик кўришга аҳд қилинади.

5. Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва фақат Сендангина

ёрдам сўраймиз.

Бизда “ибодат” деганда, фақат намоз ўқиш, рўза тутиш, зикр, Куръон кироати каби нарсалар тунуниладиган бўлиб қолган. Тўғри, булар улкан ибодатлар, лекин, аслида, Аллохга манзур бўлган ҳар бир иш ибодатдир. Демак, инсон ўз ҳаётида Аллохнинг айтганини қилиб юрса, ибодатда юрган бўлади. Аллох ҳалол ризқ топ, деб буюрганми, демак, ҳалол ризқ топиш ҳаракатида юрганлар ибодатда бўладилар. Албатта, ҳалол ризқ топиш ибодат экан, деб бошқа фарз, вожиб ва суннат амалларни тарк қилинмайди.

6. Бизни тўғри йўлга хидоят қилгин.

Хидоятга – тўғри йўлга бошлаш, лугатда бирор нарсага лутф билан йўллаб қўйишга айтилади. Уламолар наздида, шундай хидоятга – йўлга бошлаш бир неча даражали бўлар экан: а) Аллох инсонга қўшиб яратган туйгуларнинг хидояти – йўл кўрсатиши. Мисол учун, чакалокнинг биров ўргатмаса ҳам онасини эмиши, хавф яқинлашганда кўзини юмиши, қорни очганда йиглаши ва хоказолар ана шу хидоятлар жумласига қиради. Буни илмий тилда “тугма инстинкт” дейилади. Лекин бу тоифадаги хидоят инсоннинг барча талабларини қондира олмайди. Улар фақатгина баъзи бир эҳтиёжларни қондириши мамкин, ҳолос; б) Инсон аъзоларининг ҳис қилиши хидояти – йўл кўрсатиши: хидлаш, эшитиш, кўриш, ушлаб кўриш сезгилари орқали маълум бир нарсаларга хидоят топса бўлади, лекин булар ҳам кифоя қилмайди, ҳаммалари маълум бир чегарагача ярайди, ҳолос.

7. “Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига (бошлагин), газабга дучор бўлганларнинг йўлига эмас, адашганларникига ҳам эмас”.

“Ўзининг неъмат берганлар”дан мурод – Пайгамбарлар, сиддиклар, шахидлар ва солих бандалардир. “Газабга дучор бўлган”лардан мурод – яхудийлардир. Яхудийларнинг газабга дучор бўлишларининг сабаблари кўп, жумладан, уларнинг анбиёларни ўлдиришлари, Аллохга берган ахдларига вафо килмасликлари ва хоказолар. Лекин уларнинг Аллохнинг газабига дучор бўлишларининг энг катта сабаби – билганларига амал килмасликлари. Аллох уларга илм берган, улар эса, била туриб илмга амал килмаганлар. Демак, яхудийлар йўл кўйган хатони такрорламаслик керак.

“Адашганлар”дан мурод – насронийлар. Насронийларнинг “адашганлар” бўлишларининг ҳам бир канча сабаблари бор. Энг асосийси – улар максадга эришиш йўлида Аллох кўрсатган йўлни эмас, ўзлари топган йўлни танлаганлар, яъни Ийсо Пайгамбар олдиларида ўзларини айбдор деб билиб, уни рози киламиз деб, Аллох айтмаган ибодатларни ва ишларни, акидаларни ўзларича жорий килганлар. Бу ҳам нотўғри йўл. Демак, оятнинг маъноси: “Эй Аллох, бизни ўтган анбиёю авлиё, азизларнинг йўлидан бошлагин, яхудий ва насронийлар йўлидан бошламагин”, деганидир.

БАКАРА СУРАСИ ¹

2. Бу китобда шак – шубха йўк, у такводорларга хидоятдир.

Яъни Куръони карим шундай китобки, унинг ҳақлигига ҳеч шак – шубха йўк. Унда ҳамма нарса очик–ойдин, аник–равшандир. Куръони каримнинг яна бир сифати **“такводорларга хидоятдир”**

. Хидоят – максадга эриштиргувчи йўлни лутф билан кўрсатишдир. Такводорлар эса, укубатга элтувчи нарсалардан сакланадиган шахслардир. Демак, Куръони карим хидоятдан бахраманд бўлиш учун такводор бўлиш керак экан. Таквосиз калбга Куръони карим хидоят солмайди. Кимки Куръони каримдан хидоят олибдими, демак, унда такво бор экан.

Кейинги оятда мазкур такводорларнинг сифатлари келади:

3. Улар гайбга иймон келтурурлар, намозни тўқис ўқирлар ва Биз уларга берган ризкдан нафақа килурлар.

Ушбу оятда Куръон хидоятидан бахраманд бўла оладиган такводорларнинг сифатларидан учтаси саналган: Биринчиси – **“гайбга иймон келтирурлар”**. Абул Олия гайбга иймон келтиришнинг тафсирида: “Аллохга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайгамбарларига, киёмат кунига, жаннатига, дўзахига, мулокотига, ўлимдан кейинги хаётга ва кайта тирилишга ишонишдир”, деган эканлар...

115. Машрику магриб Аллохникидир, каёкка карасангиз, Аллохнинг юзи бор. Албатта, Аллох кенг камровли, билувчи Зотдир.

Бутун ер юзи – магрибу машрик мусулмонлар учун масжид килинган. Чунки ер юзи Аллох таолоники. Унга ибодат килмокчи бўлган одам хар жойда килаверса бўлаверади. Кофирлар масжидга киришни ман килса ёки уни бузиб юборса, Аллохга ибодат килиш имкони тугаб колмайди. Кайси жойда ибодат килсангиз хам, Аллох – Хозир, ибодатни кабул килувчи Унинг Ўзи. У рахмати – камрови кенг, хамма нарсани билувчи зотдир, бандаларининг барча ишларини камраб олади ва билиб туради.

Ушбудан маълум бўладики, хукумат масжидни ёпиб кўйди, ибодатни манъ килди, деган бахона ила ибодатсиз юрмокчи бўлганлар мутлако нотўгри иш киладилар...

***ОЛИ ИМРОН СУРАСИ* ²**

135. Ва улар фохиша иш ёки ўзларига зулм килган чоғларида Аллохни эслаб, гунохларини магфират килишни сўрарлар, гунохларини Аллохдан ўзга ким хам магфират киларди? Ва улар билиб туриб, килган гунохларида бардавом бўлмаслар.

Маълумки, такводорлик мўминларнинг олий даражаси ҳисобланади. Хозир ўрганаётганимиз ояти каримамизда такводорларга улкан даража ваъда қилинмаётир. Лекин ушбу оятда фохиша иш ёки ўзига зулм қилган одамлар ҳам такводорлар сафидан ўрин олиши мумкинлиги айтилмоқда. Бу нимага далолат қилади? Бу, Ислом динининг бағри кенглигига далолат қилади. Бу Исломда инсоннинг табиатини ниҳоятда чуқур билиб ўзига яраша муомала қилинишидан далолат беради. Инсон нима бўлганда ҳам инсондир. Хаёти давомида турли қийинчиликларга, игво ва чалгитишларга учрайди...

ЮНУС СУРАСИ ³

26. Гўзал амал қилганлар учун гўзал савоб ва зиёдалиқ бордир. Уларнинг юзларини қаролик ҳам, хорлик ҳам қопламас. Ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.

Аллоҳга иймон келтириб, унинг чакиригига “лаббай” деб жавоб бериб, яхши амалларни қилиб яшаган бандалар бу дунёда гўзал ҳаёт кечирадилар. Охирада эса бу дунёда қилган гўзал амаллари учун савоб оладилар, жаннатга дохил бўладилар. Аммо бу хали ҳаммаси эмас. Уларга зиёдалиқ ҳам бордир. Бу зиёдалиқ шуки, уларга гўзал амалларининг савоби етти, етмиш, етти юз ва ундан ортиқ марта кўпайтириб берилади. Шунингдек, жаннатдаги олий мақомлар, нозу неъматлар ва бошқа ато қилинадиган нарсалар ҳам шу зиёдалиққа қиради. Энг улкан зиёдалиқ эса, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг жамолини кўришга муяссар бўлишдир.

“Гўзал амал қилганлар учун гўзал савоб ва зиёдалиқ бордир”.

Аллоҳ ҳаммамизни ўшаларнинг қаторига қўшган бўлсин. Мазкур бахтиёр бандаларнинг холи тамоман бошқача бўлади:

“Уларнинг юзларини каролик ҳам, хорлик ҳам копламас”.

Балки юзлари оппок ва гулгун бўлади. Чунки:

“Ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда абадий колурлар”.

27. Ёмонликларни касб килганларга эса, ёмонликларига яраша ёмон жазо бўлур. Уларни хорлик коплар. Улар учун Аллохдан бирор сакловчи ҳам бўлмас. Юзлари худди тун зулматидан бир парча ила копланган каби бўлур. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий колурлар.

Олдинга, ахли жаннат васфидаги манзаранинг тамоман акси. Оятда бу дунёда гўзал амаллар эмас, ёмон амаллар килганлар васф килинаётир. Ёмонликлари туфайли улар бу дунёнинг ўзида ёмон хаёт кечирадилар. Охиратда эса:

“Ёмонликларни касб килганларга эса, ёмонликларига яраша ёмон жазо бўлур”.

Бу ерда зиёдаси йўк. Амалларига ярашасини тортсалар ҳам, етиб ортади. Ахли жаннат холига зид ўларок:

“Уларни хорлик коплар”.

Яъни, уларга хорлик етмайди, балки бутунлай коплаб олади. Хамда шу холларида доимий туравердилар. Чунки:

“Улар учун Аллохдан бирор сакловчи ҳам бўлмас”.

Бу бахтиқаро бандалар шундай ноқулай ҳолатда қоладиларки, уларга назар солган киши хайрон бўлади. Чунки

“Юзлари худди тун зулматидан бир парча ила қопланган каби бўлур”.

Бу юзи қаролар қимлар ва улар қандай оқибат топадилар?

“Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.”

АЛ-ИСРО СУРАСИ⁴

1. Ўз бандасини кечаси Масжидул Харомдан атрофини барақали қилганимиз Масжидул Аскога мўъжизаларимизни кўрсатиш учун сайр қилдирган Зот пок бўлади. Албатта, У эшитқувчи ва кўргувчи Зотдир.

Ояти қаримада Аллох таоло Ўзини ўзи поқлаб ёд қилмоқда ва бандаси Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламни исро қилдиргани, яъни, кечанинг бир қисмида сайр қилдиргани ҳақида хабар бермоқда. Оятдаги **“Ўз бандаси”** дан мурод Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламдирлар. Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам доимо Аллохнинг бандаси эканликлари билан фахрланиб юрар эдилар. Ушбу оятда у зотнинг номлари айтилмай,

“Ўз бандаси” ибораси ишлатилиши ҳам Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам учун фахр ҳамда энг оғир пайтда у киши учун тасаллидир...

105. Уни ҳақ ила нозил қилдик ва ҳақ ила нозил бўлди. Биз сени факат хушхабар

бергувчи ва огохлантиргувчи этиб юбордик, холос.

Яъни Куръонни Биз ҳақ ила туширдик. Куръон ер юзида ҳақ қарор топиши учун туширилди. Энг улкан ҳақ – Аллохнинг тавҳиди Куръон ила қарор топди. Шунингдек, бошқа ҳақлар ҳам Куръон ила ер юзида қарор топди.

“...ва ҳақ ила нозил бўлди.”

Яъни, Куръонда тушган ҳамма нарсалар – буйруқлар, қайтаришлар, ҳукмлар, эслатмалар, кўрсатмалар, хабарлар – ҳамма-ҳаммаси ҳақдир.

“Биз сени факат хушхабар бергувчи ва огохлантиргувчи этиб юбордик, холос.”

Яъни, эй Муҳаммад, Биз сени иймон келтириб, ибодат ва яхши амалларни қилгувчиларга жаннат ҳамда унинг олий даражаларию, битмас-туганмас неъматларининг хушхабарини берувчи қилиб ва қуфр, нифоқу исён соҳибларини дўзах азобидан огохлантиргувчи этиб юбордик.

106. Ва Куръонни одамларга аста-секин ўқиб беришинг учун бўлиб қўйдик ва бўлак-бўлак қилиб туширдик.

Ушбу оятда Куръони Қаримнинг бир йўла тугал бир қитоб холида эмас, балки бўлак-бўлак этиб нозил қилинганининг хикмати ҳақида сўз борапти. Маълумки, Аллох таоло Куръони қаримни бир оят, икки оят қилиб, баъзида ундан оз, баъзида ундан кўп қилиб, йигирма уч йил давомида нозил қилди. Албатта, бунинг улкан хикматлари бор эди. Бу ояти қаримада ўша хикматлардан бири, одамларга “аста-секин ўқиб бериш” зикр қилинапти. Албатта, ўттиз пора Куръон бир йўла тушса, уни одамларга ўқиб бериш осон бўлмас эди. Ўқиб берилганда ҳам, одамлар уни қабул қилиб олишлари осон бўлмас эди. Энг муҳими – Куръони қарим ўқиш учунгина эмас, асосан, ўқиб амал қилиш учун туширилган илохий дастурдир. Уни бир йўла ўқиб, бунга бир йўла амал қилиш осон эмас. Шунинг учун ҳам, жоҳилият боткоғига ботган одамларни аста-секин тарбиялаб, Ислом нурига олиб чиқиш учун йигирма уч йил керак бўлди. Шу даврда жаҳон тарихида мисли

кўрилмаган ажойиб бир мусулмон уммати тарбияланиб вояга етди. Улар хар бир оятни нозил бўлгандан кейин ўкиб ўрганишар, ёд олишар ва унга амал қилишар эди. Ушбу шартларни амалга оширмагунларича, бошка оятлар тушган бўлса ҳам, уларга Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламдан олмай туришарди. Окибатда сахобаи киромларнинг хар бирлари икки оёқда юрадиган тирик Куръонга айландилар ва оз муддатда ер юзига Куръон таълимотларини таркатдилар.

Куръон ана шундай нарса. Аллох уни бўлиб-бўлиб тушириб, кишиларга осонлик ҳам яратди. Энди бу ёғи одамларнинг ўзига хавола, икки дунё бахт-саодатини хоҳласалар, ушбу Куръонга эргашсинлар, икки дунё бадбахтлигини хоҳласалар, эргашмасинлар. Бу хақиқатни уларга етказиш Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламга топширилмоқда.

ШУАРО СУРАСИ ⁵

192. Албатта, у (Куръон) Роббул оламийннинг туширганидир.

Куръонни Роббул оламийндан ўзга ҳеч ким туширмагандир.

193. Уни Рухул Амийн олиб тушди.

194.Сенинг калбингга, огохлантиргувчилардан бўлишинг учун.

195.Очик-ойдин араб тилида.

Ушбу ояти каримадаги “**Рухул Амийн**” дан мурод, Куръони Каримнинг бошка жойларидаги каби Жауроил фаришта алайхиссалом;

“огохлантиргувчилардан”

дегани эса, “Пайгамбарлардан” деган маънони билдиради.

Бинобарин, ушбу уч оятнинг маъноси куйидагича бўлади: Эй Мухаммад, Куръонни Жаброил сенинг калбингга Пайгамбарлардан бўлишинг учун равшан араб тилида олиб тушди.

Ушбу васфлардан келиб чикиб, Куръон илмлари бўйича мутахассис олимлар Куръони каримни Аллохнинг Жаброил оркали Мухаммад соллаллоху алайхи вассалламнинг калбларига туширган мўъжиза каломидир, деб таърифлайдилар. Шунга биноан, Аллохнинг каломидан бошка нарса Куръон бўлмайди. Жаброил алайхиссалом Аллохнинг каломини Мухаммад соллаллоху алайхи вассалламнинг калбларига олиб тушса ва унда мўъжиза бўлса, Куръон хисобланади. Агар Аллохнинг каломини Жаброил алайхиссалом Мухаммад соллаллоху алайхи вассалламнинг калбларига олиб келса-ю, мўъжизалиги бўлмаса, хадиси кудсий саналади. Шунингдек, оятда Куръон **“очик-ойдин араб тилида”** эканлиги ҳам таъкидланмоқда. Куръони карим бошка тилга ўгирилса, Куръонлиги колмайди. Унинг бирор сўзини бошка бир арабча сўз билан алмаштирилса ҳам, Куръонлиги колмайди. Шундай бўлгандан кейин, “ўзбекча Куръон”, “тожикча Куръон” ёки шу каби ибораларни кўллаш мутлако нотўғридир. Уларга “Куръони карим маъноларининг ўзбекча ёки тожикча таржимаси” дейилади.

Кейинги оятларда ҳам Куръони каримнинг васфи давом этади:

196.Албатта, у (Куръон) аввалгиларнинг китобларида ҳам бордир.

Яъни, Куръоннинг зикри, унинг эгаси бўладиган Пайгамбарнинг зикри аввалги умматларнинг илохий китобларида ҳам бордир.

197. Уни Бани Исроил уламоларининг билишлари улар учун далил эмасми?!

Макка мушриклари ахли китобларнинг уламоларига, хусусан, Бани Исроил олимларига кўп нарсаларни биладиган шахслар деб карашар, баъзида уларнинг айтган гапларини

Ўзлари учун хужжат, далил сифатида қабул қилишар эди. Аммо Абдуллох ибн Саломга ўхшаш Бани Исроил уламолари Куръони Карим ва Мухаммад соллаллоху алайхи вассалламнинг зикрлари уларнинг китобларида борлигини айтсалар ҳам, мушриклар қабул қилмадилар. Ушбу оятда уларнинг ана шу гумрохликлари инкор этилмоқда.

198. Агар Биз уни баъзи ажамийларга нозил қилсак.

199. Бас, у уларга уни ўқиб берса ҳам, унга мўмин бўлмас эдилар.

Яъни, уларнинг асли чаток. Эй хабибим, гап сенда ёки сенга тушган Куръонда эмас. Хафа бўлма. Асосий гап мушрикларнинг асли чатоклигида. Уларда Куръонга иймон келтириш нияти умуман йўқ.

Агар биз Куръонни сандан бошқага, араб бўлмаган бир одамга туширганимизда ҳам, улар иймонга келмас эдилар.

200. Биз у (Куръон)ни жиноятчилар қалбларига ана шундай йўлладик.

Яъни, Биз Куръонни мушриклар қалбига ана шундай тарзда йўлладик. Ула уни эшитадилар, маъноларини тушунадилар, фасохат, балогат борасидаги нозик нуқталарини фарқлаб биладилар, аммо иймон келтирмай юраверадилар.

201. Улар унга то аламли азобни кўрмагунларича иймон келтирмаслар.

Аламли азобни кўрганларида, улар ҳам иймон келтирадилар, аммо кеч бўлади.

210. У (Куръон)ни шайтонлар олиб тушганлари йўқ.

Мушриклар даъво килаётганларидек, Куръонни шайтонлар олиб тушганлари йўк. Уларнинг бу гаплари бўхтондан иборат.

211. Бунга уларнинг имконлари йўк ва унга кодир ҳам эмаслар.

Шайтонларнинг табиати ёмонлик асосига курилган. Улар факат ёмонлик этиш имконига эга, улар факат ёмонлик килишга кодир, холос. Куръон эса, бошдан-оёк яхшилик, хикмат, илм-маърифат ва илохий таълимотлар билан тўла. Демак, Куръонни шайтонлар олиб тушди, деган гапнинг асоси йўк. Колаверса, шайтонлар осмон хабарларидан баъзисини эшитиш имконидан махрум килинганлар. Бу ҳақда келгуси оятда шундай дейилади.

212. Албатта, улар эшитишдан четлатилгандирлар.

Яъни, жин-шайтонлар само хабарларини эшитишдан четлатилгандирлар. Улар баъзихабарларни эшитиш учун осмонга якинлашсалар, олов отилиб кувлайдиган этиб кўйилган. Кандай килиб улар Куръондек покиза нарсани Аллохдек улуг зот хузуридан Мухаммад соллаллоху алайхи вассалламга хитоб бошланади:

213. Аллох билан бирга бошка илохга илтижо килма. Йўкса, азобланганлардан бўласан.

Пайгамбар соллаллоху алайхи вассалламнинг Аллохга ширк келтиришлари мутлако мумкин эмас. Аммо бу оятда ширкнинг нақадар улкан гуноҳ эканлигини англатиш учун фаразан шу маъно келтирилган. Пайгамбар соллаллоху алайхи вассалламдек зот ширк келтириб, азобдан кутила билмаса, бошкаларнинг холи нима бўлишини билиб олиш кийин эмас.

214. Ва якин кариндошларингни огохлантир.

Ушбу ояти карима нозил бўлганидан кейин Расули Акрам соллаллоху алайхи вассаллам Сафо тепалигига чикиб: “Ё сабохох” деб кичкирдилар. Одамлар у кишининг хузурларига тўпланди. Кимдир ўзи келди. Кимдир одамани юборди. Расулulloх соллаллоху алайхи вассаллам уларга караб: “Эй, Бани Абдулмуттолиб! Эй Бани Фехр! Эй, Бани Луаъй! Айтинглар-чи, агар мен сизга тоғнинг ортида отликлар сизларни горат қилишга шай турибди, десам, ишонасизларми?!” дедилар. Улар: “Ха, ишонамиз!” дедилар. Ул зот соллаллоху алайхи вассаллам: “Албатта, мен сизларга шиддатли азобдан олдин келган огохлантиргувчиман”, дедилар.

Шундай қилиб, Расулulloх соллаллоху алайхи вассаллам ўзларига нозил бўлган оятга мувофиқ яқин қариндошларини огохлантира бошладилар. Ул зот соллаллоху алайхи вассаллам фақат бу билан қифояланиб қолмай, энг яқин шахсларни ҳам огохлантирдилар.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: “Ушбу оят нозил бўлганидан кейин Расулulloх соллаллоху алайхи вассаллам қурайшликларни ҳам умумий, ҳам хусусий равишда даъват қилдилар. Ул зот соллаллоху алайхи вассаллам: “Эй, қурайшликлар, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринглар! Эй, Бани Каъб жамоаси, ўзингизни дўзах ўтидан қутқазинг! Эй, Фотима Мухаммад кизи, ўзингни дўзах ўтидан қутқар. Аллохга қасамки, мен сизлардан Аллохнинг бирор нарсасини қайтаришга молик эмасман”, дедилар”.

224. Ва шоирларга гумрохлар эргашур.

225. Уларнинг ҳар водийда дайдишини.

226. Ва ўзлари қилмайдиган ишларни айтишини қўрмадингми?

Бу оятлар Пайгамбар соллаллоху алайхи вассалламни шоир, Қуръони Каримни шеър деганларга жавобдир. Инсоният тарихига назар солинса, ҳеч бир шоир Пайгамбар бўлиб қиларни хидоятга бошламаган. Шоирларга биров эргашмайди. Эргашса ҳам, гумрох, йўлдан озганлар эргашади. Ундан кейин, шоирларнинг собит шахсиятлари, ўз ҳаёт

тарзлари ва шеър айтиш ишларида ҳеч субутлари йўқ. Шунинг учун ҳам: **“Уларнинг ҳар водийда дайдишини”** кўрмадингми? – дейилмоқда.

Шоирлар бир кун буни айтса, эртасига бошқасини айтиб тураверишади. Улар ким бир оз нарса берса, ўшани макташади. Кимдан ҳечбир манфаат чикмаса, уни ҳажв қилишади. Бировни аввал мактаб, кейин ёмонлаб, сўнгра яна қайта макташлари ҳам мумкин. Шунингдек, фиску фужур, турли бемаза васфлар, маддохликлар ва ўзини англаган одам табиатига муълако тўғри келмайдиган гап-сўз ва ишлар шоирлардан содир бўлади. Ичкилик ичмасдан, фосиклик этмасдан шоирлик қилганлар жуда кам. Бунинг устига, шоирлар **“қилмайдиган ишларни айтишлари”** билан ажралиб турадилар. Шоир ўз шеърида ажойиб маъноларни хикматли сўз ва насихатларни айтиши мумкин, аммо унга ўзи мутлако амал қилмайди. Бундай одам қандай қилиб ўзгаларни хидоятга бошлаши мумкин?

Келгуси оятда мазкур васфлардан мустасно бўлган шоирлар ҳам борлиги таъкидланади:

227. Магар, иймон келтириб, солих амаллар қилганлар, Аллохни кўп зикр этганлар ва мазлум бўлганларидан кейин нусрат қозонганлар (ундай эмаслар). зулм қилганлар эса, тезда қайси ағдарилиш жойига ағдарилишларини билурлар.

Ҳамма шоир ҳам ҳар водийда дайдийдиган, беамал гапирадиган бўлавермас экан. Агар шоир иймонли бўлса, яхши амаллар бажариб, Аллохни кўп эсга олса, ўзини хор қилмай, ҳаққини таниган, золимлар устидан голиб келадиган бўлса яхши, Аллохнинг розилигини топган шоир бўлиши мумкин.

Шеър фақат фиску фужур, қандайдир казо-казоларнинг мактови, базму жамшидларнинг васфи, қандайдир маъшуканинг мадҳи, ох-воҳ ва дийдийлар эмас. Аксинча, шеър эзгулик, иймон, Ислом хизматчиси бўлиши зарур. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам: “Албатта, шеърдан хикматлиси бордир”, деганлар. Шеър орқали хикматли, иймоний, исломий ва инсоний тушунчаларни кишиларга етказиш ўзигахос устунликка эгадир. Бунга Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг даврларини мисол қилиб олиш мумкин. ўша саодат даврида юқоридаги оятда васфлари қилган иймонли шоирларнинг биринчи авлоди яшаб ўтган.

Улуг сахобий Хассон ибн Собит уларнинг етакчиси эдилар. У киши билан бирга Каъб ибн Молик, Абдуллох ибн Равоха, Абдуллох ибн Забъарий ва бошқалар бор эди. Аллох таоло уларнинг барчасидан рози бўлсин.

Имом Ахмад ибн Ханбал Абдуррахмон ибн Каъбдан, у киши ўз оталаридан куйидаги ривоятни келтиради. У киши Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи вассалламнинг хузурларига келиб: “Аллох таоло шоирлар хақидаги хукмини нозил этиб кўйдими?!” деганида, Расули Акрам соллаллоху алайхи вассаллам: “Албатта, мўмин киши киличи ва тили билан жиход килади. менинг жоним кўлида бўлган зотга касамки, сизнинг уларга отадиган ўқингиз камон ўқидан ҳам ўткиррокдир”, деган эканлар.

Чунончи, ўрни келганда, мўмин-мусулмон шоирнинг шоирнинг шеъри хар кандай курулнинг ўқидан ўткиррок бўлиши мумкин. Асрлар давомида турли мусулмон халқлардан етук иймонли шоирлар ҳам чиқиб тургани барчани кувонтиради.

Динга, диёнатга карши золимлар эса:

“...тезда кайси ағдалириш жойига ағдалиришини билурлар”.

КОСОС СУРАСИ⁶

51. Батахкик, Биз уларга гапни етказиб кўйдик. шоядки, эсласалар.

Хак гап – Куръон уларга етгани йўқ. энди эслашлари, ибрат олишлари колди, холос.

Келаси оятларда Куръонга иймон келтирган кишилар бошқаларга ўрнак килиб кўрсатилади:

52. У (Куръон)дан олдин китоб берилганлар унга иймон келтирурлар.

Яъни, Куръон келишидан олдин илохий китоб илохий китоб – Таврот ва Инжил берилган кишилар Куръонга ҳам иймон келтирадилар.

Бу ояти карима тушган пайтда яхудийлардан ҳам, масихийлардан ҳам иймон келтириб, мўмин-муслмон бўлган кишилар бор эди. Оятда ана шунга ишора килинмоқда. Улар Таврот ва Инжилни яхши тушунган, инсоф билан иш тутган кишилар бўлиб, ўз муқаддас китобларидаги башоратларни мулохаза қилганларидан сўнг Куръоннинг хақиқий илохий китоб эканини тан олиб, иймонга келган эдилар. Агар бу иш воқелиқда бўлмаганида, кофирлар ушбу оятга дархол эътироз билдирган бўлардилар.

***АХЗОБ СУРАСИ*⁷**

39. Улар Аллохнинг элчилигини етказадиган, Ундангина кўркалиган, Аллохдан бошқа ҳеч кимдан кўркмайдиган зотлардир. Аллохнинг Ўзи ҳисоб қилгувчиликка кифоядир.

Аллохнинг йўлига ҳеч қандай тангликсиз эргашиб юрган зотлар, Набийлар куйидаги сифатларга эга бўлганлардир.

“Улар Аллохнинг элчилигини етказадиган” зотлардир.

Аллох уларни ўз элчиси – Пайгамбари килиб юборган. Улар – Пайгамбар, одамларга Аллохнинг пайгомини – хабарларини етказувчилар. Сен ҳам, Эй Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам, ўшаларга ўхшаб, Аллохнинг элчилигини одамларга етказадиган зотсан.

“...Ундангина кўркадиган, Аллохдан бошка ҳеч кимдан кўркмайдиган зотлардир”.

Яъни, илгари ўтган Пайгамбарлар ҳам фақат Аллох таолодангина кўрканлар. Аллохдан бошка ҳеч кимдан кўрмаганлар. Шунинг учун, Аллох уларга нимани амр этса. ўйлаб ўтирмай, дархол бажарганлар. Сен ҳам, эй Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам, Зайнабга уйланиш масалсида Аллохнинг айтганини қил, одамларнинг гапига эътибор берма.

“Аллохнинг Ўзи ҳисоб қилгувчиликка қифоядир”.

Охиратда ҳисб-китобни Аллох таолонинг Ўзи қилади. Оғзига қучи етмаган одамлар эмас.

40. Мухаммад сизлардан бирон эркакнинг отаси бўлган эмас. Лекин Аллохнинг Расули ва Пайгамбарларнинг сўнггисидир. Аллох ҳар бир нарсани ўта билгувчидир.

Эй одамлар, Пайгамбар соллаллоху алайхи васаллам Зайнабга уйлангани учун Мухаммад ўз ўглининг хотинига уйланди, деб бўхтон қилманглар. Чунки:

“Мухаммад сизлардан бирон эркакнинг отаси бўлган эмас”.

Жумладан, Зайнабни талок қилган Зайд ибн Хорисанинг ҳам отаси бўлган эмас. Зайднинг отаси Хориса ибн Шархабийлдир. Пайгамбар соллаллоху алайхи васаллам Зайд талок қилган Зайнабга Аллохнинг амри ила, жоҳилият ўқмини ботил қилиш учун уйландилар. Пайгамбар соллаллоху алайхи васаллам жоҳилият ҳукми бўйича Зайдни асраб олигшлари ҳам Аллох иродат этган хикмат ила шу одатни йўқ қилиш учун эди. Ҳеч

качон у узотга Зайд ўгил бўлган эмас. Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга ҳеч ким ўгил бўлга эмас. Ул зот эса, ҳеч кимингизга ота бўлган эмас.

“Лекин Аллохнинг Расули ва Пайгамбарларнинг сўнггисидир”.

Лекин Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам ҳамма учун Аллохнинг юборган Расулидир. Ул зот Пайгамбарларнинг сўнггисидир, ундан кейин ҳеч бир Пайгамбар келмас.

“Аллох ҳар бир нарсани ўта билгувчидир”.

Ана ўша ўта билиши асосида тасарруф килади. Эҳтимол, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг ўгилфарзандлари турмагани ҳам хикматлидир?! Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам Ҳадийжа онамиздан Косим, Тоййиб, Тохир исмли ўгиллар кўрганлар, аммо уларнинг ҳаммаси кичиклик пайтларида вафот этган. Марям Кибтиядан Иброҳим исмли фарзанд кўрганлар, у эмизикли пайтида вафот этган. Ҳадийжа онамиздан тўртта кизлари бўлган: Зайнаб, Рукия, Умму Кулсум ва Фотима онамиз. Улардан учтаси Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламдан олдин дунёдан ўтганлар. Факат Фотима онамизгина у зот соллаллоху алайхи васалламдан олти ой кейин вафот этганлар.

41. Эй, иймон келтирганлар! Аллохни кўп зикр килинглар.

Аллохни зикр килиш – калбни Унга боғлашдир, У мени кузатиб турибди, деган доимий эътиборда туришдир. Аллохнинг буйруқларини бир лаҳза ҳам эсдан чиқармай, амалга оширишдир.

42. Ва эртаю кеч Уни поклаб ёд этинглар.

Эрталаб ҳам, кечкурун ҳам дунёда катта ўзгаришлар рўй беради. Шунинг учун ҳам, бу

икки вақтда Аллохни поклаб ёд этиш алохида таъкидланмокда.

ИААСИИН СУРАСИ ⁸

1. Йаасийн.

2. Куръони Хаким ила касам.

Хикматли Куръон билан касам. Аллох таолобирор нарса билан касам ичса, ўша нарсани улуглаганидандир. Ўша нарсага эътибор жалб килиниши лозим. Аллох Куръони Карим билан, унинг хакимлиқ сифати билан касам ичиши бежиз эмас. Аввало, Куръоннинг хикматли экани таъидланмокда. У тўлалигича хикматдир. Унинг оятлари хикматдир. Унинг қиссалари хикматдир. Унинг ҳукмлари хикматлидир. Уни ўқиган одам хикмат топади. Унга амал қилган одам хикматли иш қилган бўлади.

Қолаверса, Аллох таоло Куръони хақимга касам ичиб туриб, Муҳаммад соллаллоху алайхи васалламнинг ҳақ Пайгамбар эканлиқларини таъкидламокда. Эй Муҳаммад:

3. Албатта, сен Пайгамбарлардандирсан.

Таъкид шулки, касам ҳам шулки, сен, Эй Муҳаммад, юборилган Пайгамбарлардан бирсан.

4. Сироти мустақиймдасан.

Сен тўғри йўлдасан. Сенинг йўлинг энг тўғри йўл. Бу йўлдан бошқа тўғриси йўк.

5. Бу Азийзу Рохиймнинг нозил килганидир.

Бу Куръон азиз, хамма устидан голиб, кудратли ва бандаларига меҳрибон зот – Аллохнинг нозил килган китобидир.

6. Ота-боболари огохлантирилмаган, ўзлари хам гофил бўлган кавмларни огохлантиришинг учун.

Исмоил алайхиссаломдан кейин арабларга ҳеч бир Пайгамбар келмаган эди. Яъни, араблар ўз тарихларида Пайгамбар кўрмай ўтар эдилар. Ояти каримада

“Ота-боболари огохлантирилмаган” дейишдан мақсад шуни аңлатишдир. Яъни, арабларнинг ота-боболари ҳеч бир замонда ҳеч бир Пайгамбар томонидан огохлантирилмаган эдилар.

“...ўзлари эса, гофил бўлган кавмларни огохлантиришинг учун”.

Гафлат огир дарддир. Гофил инсоннинг тузилиши жуда кийиндир. Пайгамбаримиз ота-боболари гофил ўтган ана шундай бир кавмга юборилган эдилар.

7. Батахкик, уларнинг кўпларига (азоб) сўзи ҳақ бўлди. Бас, улар иймон келтирмаслар.

Аллох таоло Ўзининг азалий илми ила биладики, ўша гофилларнинг кўпларига азоб сўзи ҳақ – собит бўлди. Улар зинхор иймон келтирмаслар.

ЗУМАР СУРАСИ ⁹

18. Улар гапни эшитиб, энг гўзалига эргашарлар. Ана ўшалар Аллох хидоят килганлардир. Ана ўшалар, ха, ўшалар акл эгаларидир.

“Тогут” “тугён” лафзидан олинган муболага маъносидаги сўздир. Яъни, кўп тугёнга кетувчи, жуда хаддидан ошувчи, деганидир. Куръони карим ва Ислом таълимотлари истилохларида Аллохдан ўзга ибодат килинган хар бир нарсага “тогут” дейилади. Баъзи уламоларимиз тогутни шайтон ҳам деганлар. Бу ҳам тўгри, бир оз хосланган, холос. Аввалги маъно эса оmdir.

“Тогутдан, унга ибоат килишдан четда бўлганларга ва Аллохга кайтганларга хушхабар бор.”

Ушбу жумладан билинадикки, одамлар икки тоифа – Аллохга ёки тогутга ибодат этадиган бўлади. Учинчи хили бўлиши мумкин эмас. Аллохга ибодат килмаган одам, албатта, тогутга, яъни, Аллохдан ўзгага сизинган бўлади. Мен динсизман, хеч нарсага ибодат килмайман, деганлар ёлгон гапирардилар. Улар, хеч бўлмаса, хавойи нафсига ёкиўзи аъзо бўлган жамиятнинг урф-одатига бўйсунардилар – ибодат килардилар.

23. Аллох энг гўзал сўзни ўхшаш ва такрорланган китоб этиб туширар. Ундан Роббиларидан кўрқадиганларнинг терилари титрар. Сўнгра уларнинг терилари ва калблари Аллохнинг зикрига юмшар. Ана шу Аллохнинг хидоятидир. У ила Аллох хохлаган кимсани хидоят килар. Кимни Аллох залолатга кетказса, бас, унинг учун хидоят килгувчи йўк.

Бу ояти каримада Куръони каримнинг васфи, унинг мўминларга таъсири ва у оркали хидоятга эришиш хақида сўз кетмокда.

“Аллох энг гўзал сўзни ўхшаш ва такрорланган китоб этиб туширар.”

Куръони карим энг гўзал сўздир. Унинг оятлари гўзалликда, пурмаъноликда, хикматда, тўгриликда ва ҳукмда бир-бирига ўхшашдир. “Такрорланадиган” бўлиши эса, ҳукмлари такрор-такрор келади, хикматлари такрор-такрор келади, ваъзлари, огохлантиришлари, ваъдаю таҳдидлари ҳам такрор-такрор келади. Шунингдек, суралари, оятлари такрор-такрор ўқилади, ёд олинади, ўрганилади.

ШУУРО СУРАСИ ¹⁰

52. Ана шунга ўхшаш, Биз сенга Ўз амримиздан бир рухни вахий килдик. Сен китоб нималигини ҳам, иймон нималигини ҳам идрок килмас эдинг. Лекин, Биз уни бир нур килдикки, у билан бандаларимиздан кимни хоҳласак хидоят килурмиз. Албатта, сен тўгри йўлга хидоят килурсан.

Яъни, эй, Мухаммад, Биз сендан олдин ҳам Пайгамбарларга юкорида баён килганимиздек услублар ила вахий килиб келганмиз.

“Ана шунга ўхшаш, Биз сенга ўз амримиздан бир рухни вахий килдик”.

Яъни, аввалги Пайгамбарларга вахий килганимиздек, Ўз ихтиёримиз ва амримиз ила инсониятга маънавий рух-жон килиб, сенга Куръонни туширдик. Аллох таоло бу ояти каримада Куръони Каримни, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга вахий оркали юборган сўнгги китобини рух-жон, деб атамоқда. Дарҳақиқат, Куръони карим инсоният учун маънавий рухдир. Факат у билангина инсоният маънавий жихатдан тирик бўла олади. Куръон Аллохнинг каломидир. Уни Аллох таолонинг Ўзи Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга вахий оркали нозил килгандир. Кофир ва мушриклар даъво килаётгандек, Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам Куръонни ўзлари тўкиб

олган эмаслар. Бунинг бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Чунки, вахий келмасдан олдин:

“Сен китоб нималигини ҳам, иймон нималигини ҳам идрок килмас эдинг”.

Ўқиш, ёзишни ўрганмаган уммий эдинг. Дин нима, диёнат нима, вахий нима, илохий китоб нима, билмас ҳам эдинг. Агар буларни билганигда, ўкиб-ўрганганларидан таъсирланиб, ўзига дин тўкиб олди, китоб нозил бўлди, деб даъво килмоқда, десалар бўлар эди.

“Лекин, Биз уни бир нур килдикки, у била бандаларимиздан кимни хохлашак хидоят килурмиз”.

Ўша китоб – Куръонни сен тўкиганинг йўқ. Уни Биз ўзимиз бир нур килиб қўйдик. Ўшанур ила бандаларимиздан кимни хохлашак жоҳилият зулматларидан Ислом - иймон ёруглигига чиқарамиз. Ушбу китобга амал кила бориб,

“Албатта, сен тўгри йўлга хидоят килурсан”.

***ХАДИД СУРАСИ*¹¹**

3. У аввал ва охир, ошкор ва пинхондир. Ва у хар бир нарсани билувчидир.

Ушбу оятда Аллохнинг бешта сифати зикр килинади.

1. “Аввал” – У ҳамма нарсадан аввал, яъни, барча мавжудотлар йўклигида Аллох бор эди. Мавжудотларни “Аввал” сифатига эга бўлган Аллох яратди.
2. “Охир” – У ҳамма нарса йўк бўлиб кетганда ҳам Ўзи қолади.
3. “Ошкор” – Унинг мавжудлиги ошкор, очик-ойдиндир, бунга беҳисоб далолатлар бор. У ҳамма нарсадан зохир – устундир.
4. “Пинхон” – У кўзга кўринмайди. Ҳаммадан пинхон, махфий нарсаларни билиб турувчидир.
5. “Ҳар бир нарсани билувчи” – Ундан яшириб қоладиган ҳеч нарса йўк. Аллохнинг илмига якин қоладиган ҳеч бир илм йўк.

Аллохнинг улуглиги баёнидек сўнг сурада яна бошқа ҳақиқатнинг тафсилоти бошланади:

4. У, осмонлару ерни олти кунда яратиб, сўнгра Аршни эгаллаган зотдир. Ерга нима кирганини ҳам, ундан нима чиққанини ҳам, осмондан нима тушганини ҳам, унга нима чиққанини ҳам биладир. У, қаерда бўлсангиз ҳам, сиз билан бирга. Аллох қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

Осмонлару ерни Аллох яратгани ҳақиқат. Олти кунда яратилиши бизнинг тасаввуримиздаги кун ҳисобида эмаслиги ҳам аниқ. Чунки, биз ҳисоблайдиган кунлар дунё яратилганидан кейин мавжуд бўлган. Демак, “олти кун” Аллохнинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган кунлардир.

“У, осмонлару ерни олти кунда яратиб...”

Насороларга ўхшаб, Аллох душанба куни уни яратди, сешанба куни буни яратди... ва чарчаб, якшанба куни дам олди, дейиш мусулмонларга мутлако тўғри келмайди.

Шунингдек, Арш тўғрисида ҳам иймон келтирамизу, унинг хакикати билмаймиз. “Арш” лугатда подшоҳнинг тахтидир. Лекин Аршнинг хакикати фақат Аллохнинг Ўзи билади.

“...сўнгра Аршни эгаллаган зотдир”.

Оятда “сўнг Аршга истиво” килди, дейилади. “Истиво” сўзи лугатда кўтарилиш, ўрганиш ва эгаллаш маъноларини билдиради. Лекин Аллохга нисбатан бу маъноларни биз тушунгандай ҳолатда ишлатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, ҳамма нарсани яратгандан сўнг Аллох таоло уларни Ўзининг тасарруфига олди, деб шархланади бу ҳолат.

“Ерга нима кирганини ҳам” билади.

Хар лаҳзада ерга сон-саноксиз нарсалар кириб туради. Буларнинг барчасини фақат Аллох таолонинг Ўзигина билади.

“ундан нима чикканини ҳам” билади.

Албатта, ерда хар лаҳзада сон-саноксиз нарсалар чикиб туради. Буларнинг ҳаммасини ҳам фақат Аллох таолонинг Ўзигина билади.

“...осмондан нима тушганини ҳам, унга нима чикканини ҳам билади”.

Худди шу каби осмондан тушиб ва унга чикиб турувчи нарсаларни ҳам фақат Аллох таолонинг Ўзигина билади, бошқа ҳеч ким билмайди.

Аллох таолонинг

“У каерда бўлсангиз ҳам, сиз билан бирга”, деган сўзи “илми ва кудрати билан” деб тушунилади.

Аллох таолога нисбатан жисм хакида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Демак, Аллох таоло Ўз илми ва кудрати билан бандаларининг барчаси каерда бўлсалар ҳам бирга бўлади.

Демак, бандалар доимо хушёр бўлишлари, яхши ишлар килишга уриниб, ёмонликлардан узокда бўлишлари лозим.

МУЛК СУРАСИ ¹²

2. У, ўлим ва хаётни сизларнинг кайсиларингиз амалда яхширок эканлигингизни синаш учун яратди. У азиз ўта магфиратлидир.

Ўлим ва хаётни Аллох таоло яратган, бу - ҳақ! Одатда, аввал хаёт, сўнгра эса, ўлим бошланади. Агар эътибор берсангиз, бу оятда ўлим аввал келтириляпти, бунинг хикмати одамларни яхши амалларга чорлашдир. Чунки, ўлимни эслаган одам доимо унга тайёргарлик кўради ва ўлгандан сўнг шарманда бўлмаслик учун ўзини яхши ишларга сафарбар қилади.

КАЛАМ СУРАСИ¹³

1. Нуун. Калам билан ва сатрларга ёзадиган нарсалар билан касам.

Куръони каримнинг бир неча суралари алифбо харфларининг баъзиси ёки бир нечаси билан бошланган. Уламолар буларни “Хижо” (алифбо) харфлари, “Мукаттаъа” (кесилган) харфлар ва бошка номлар билан ҳам атайдилар. Асосан, “хижо” харфлари билан бошланган суралар Макка сураларидир. “Бакара” сурасигина, Мадийнада нозил бўлган бўлса ҳам мазкур харфлар билан бошланган.

Уламоларимиз бу харфларнинг тафсири хакида кўплаб фикрларни айтганлар. Биз эса, энг кучли ва кўпчилик иттифок килган фикрнигина оламиз.

3. Ва албатта, сенга миннат килинмайдиган ажр бордур...

5. Бас, тезда кўрасан ва улар ҳам кўрурлар...

9. Агар сен мураса килсанг, улар ҳам мураса килишни орзу киладилар.

Мушриклар Пайгамбаримиз алайхиссаломга баъзи диний ишларда хушомадгўйликни таклиф килганлар. Мисол учун “Сен бизнинг бутларга сигинсанг, биз ҳам сенинг Худоингга сигинамиз. Бизнинг бутларимизни мадх килсанг, биз ҳам сенинг Аллохингни мадх киламиз!” деб айтганлар. Аллох таоло бу оятда ва бошка оятларда Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга бундай муросасизликка хеч-хеч бормасликни таъкидлаган. Мушрикларнинг таклифи эса, уларнинг акийдалари заифлигига, ўз эътикодларида мустахам эмасликларига ёркин далилдир...

47. Ёки хузурларида гойиб илми бор-у улар ёзиб оладиларми?

Бу ҳам аввалги оятдаги саволнинг давоми. Уларнинг гойибни билишлари Хакни кабул килмасликка чорлайдими?

Шу ерга келганда мушриклар хакидаги гаплар тугайди ва Аллох таоло Ўз Пайгамбарига тасалли беришга, сабрга чакиришга, Юнус Пайгамбарга ўхшаб ўз кавмини тарк этиб кетмасликка ўтади...

52. Холбуки, у бутун оламларга эслатмадан ўзга нарса эмас.

Бир неча марта такрорлаб айтганимиздек, бу сураи карима Куръони Каримнинг энг аввалги сураларидандир. Ўша пайтда мусулмонлар жуда ҳам оз, заиф хол, қўлларидан ҳеч нарса келмай турган пайти эди. Мушриклар эса, кувватли, ҳамма имконияти бор, тезда мусулмонларни йўқ қилиб ташлаймиз, деб туришган эди.

Шундай пайтда Куръонни “бутун оламлар учун эслатма” дейишлик факат Аллох таоло тарафидан бўлиши мумкин, холос. Бу, Куръоннинг хакикий илохий китоб эканлигига яна бир ёркин далилдир.

Мазкур башорат Пайгамбар алайхиссаломнинг вафотларидан бир неча йиллар ўтиб рўёбга чикди. Ислом дини дунёнинг барча тарафларига таркала бошлади ва ҳозир ҳам таркалмоқда.

***АЛ – ХААККОХ СУРАСИ* ¹⁴**

48. Ва албатта, у (Куръон) такводорлар учун эслатмадир.

Чунки, такво бўлмаса, Куръондан ваъз-насихат олиш мумкин эмаслигини Аллох таолонинг Ўзи ирода килган...

49. Ва албатта, Биз сизларнинг ичингиза ёлгонга чиқарувчилар борлигини билиб турамыз.

Яъни, эй одамлар, албатта, Биз сизларнинг ичингизда Куръонни ёлгонга чиқарувчилар борлигини билиб турамыз.

50. Ва албатта, у (Куръон) кофирлар учун хасратдир.

Яъни, кофирлар киёматда ахли Куръонга берилган савобларни кўрганларида хасрат-надомат киладилар. Бу дунёда эса, Куръон таълимоти таркалиб, нури порлаётганини кўрганда хасрат киладилар.

51. Ва албатта, у (Куръон) шубхасиз хакикатдир.

Аллох таолонинг каломи шубхасиз хакикат бўлмаса, кимнинг ҳам каломи шубхасиз хакикат бўлади.

52. Бас, улуг Роббининг исмини поклаб ёд эт.

ШАМС СУРАСИ ¹⁵

9. Батахкик, ким у (нафс)ни покласа, ютукка эришди.

Яъни, ким ўз нафсини куфр, ширк, нифок, турли ёмонлик ва гунохлардан покласа, икки дунёда ютукка эришади.

10. Ва батахкик, ким у (нафс)ни кирласа, ноумид бўлди.

Яъни, ким ўз нафсини куфр, ширк, нифок, турли ёмонлик ва гунохлар ила ифлос килса, икки дунёда ноумид бўлади. Хасратга учрайди.

Энди, нафсини покламаганларнинг ноумид бўлиб, мағлубиятга учраганига Самуд кавми мисол килиб келтирилади.

АЛАК СУРАСИ ¹⁶

1. Яратган Роббинг номи билан ўқи.

Демак, ўқиш, илм талаб килиш Аллох таолонинг розилиги учун бўлиши, бойлик, мансаб, шон–шухрат ва бошка шунга ўхшаш нарсалар учун бўлмаслиги керак экан.

2. У инсонга билмаган нарсани ўргатди.

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, ушбу беш оят Мухаммад соллаллоху алайхи вассаллам Маккаи мукаррама якинидаги Хиро горида “таханнус” бўлди, деб номланган ибодат килиб ўтирганларида нозил бўлган. Муборак беш оят илохий дастур – Куръони каримнинг инсониятга етиб келган бош дебочасидир. Худди ушбу беш муборак оят нозил бўлган ондан бошлаб, инсоният ўз тарихидаги энг бахтли, энг нурафшон лахзаларини яшашга бошлади. Ушбу муборак беш оят нозил бўлган лахзадан бошлаб, инсоният ўз Роббисини абадий мўъжизаси, қўлланмаси - Куръони каримни қабул килиб ола бошлади. Ушбу муборак беш оят туша бошлаши ила Аллох таолонинг Ўзи мўмин мусилмон бандаларига ушбу мукамал дастурни ҳаётларига татбиқ килишларида лутфу иноят кўрсатиб турди. Бу – инсонинг камолотга етганлиги аломати эди. Аллох таоло инсониятга муваккат эмас, доимий ва баркамол шариятни ато килишни бошлаган эди.

ИХЛОС СУРАСИ¹⁷

1. Айт: “У Аллох ягонадир”.

Ха, эй Пайгамбар, ҳаммага айт! Аллох таоло биттадир, ягонадир.

- Аллох субханаху ва таолонинг зоти биттадир, ягонадир. Бошка бир Илох йўқдир.

- Аллох субханаху таолонинг сифати ягонадир. У зотнинг сифатлари билан ҳеч бир нарса сифатлана олмайди.

- У ўзининг ўхшаши йўклиги бўйича ҳам ягонадир.

- Аллох субханаху ва таоло амалларида ҳам биттадир, ягонадир. Унинг амалларини ҳеч ким кила олмайди.

Аллох таолонинг вахдонияти Иломнинг асосий акидасидир. Эътикод килиниши лозим бўлган бошка нарсалар ҳам Аллох таолонинг вахдонияти асосида бўлади.

Аввалги оятда Аллох таолонинг вахдоният сифати зикр килинганидан кейин, энди У олий зотнинг сомадият сифати зикр килинади...

3. Аллох – сомаддир.

Сомад сифати кўп маъноларни ўз ичига олади:

- итоат килинган улуг – Усиз ҳеч бир иш битмайди;

- ҳеч кимга ҳожати тушмайди, барчанинг ҳожати Унга тушади;

- бутун махлуқот битиб тугнса ҳам, Ўзи доим боқийдар ва хоказо.

- Кўриб турибмизки, биттагина “сомад” сўзи канчалар маънони ўз ичига олган. Араб тили ана шундоқ кенг имкониятларга эга бўлгани учун ҳам, Аллох таоло Ўзининг охириги каломини ўша тилда нозил қилишни ирода қилган.

4. У тугмаган ва тугилмаган.

Яъни, унинг фарзанди ҳам, ота–онаси ҳам йўқ. Чунки тугиш, тугилиш бандаларга ҳос, Аллох таолога нисбатан эса, бу сифатлар тўғри келмайди.

Бу оятда кўпгина бузик эътиқодларга рағбий бор, жумладан:

- мушрикларнинг, фаришталар - Аллохнинг кизларидир, деган эътиқодига;

- яҳудийларнинг, Узайр – Аллохнинг ўғлидир, деган эътиқодига;

- насароларнинг, Ийсо - Аллохнинг ўғлидир, деган эътиқодига;

- тугилиб ўсган нарсаларни, хусусан, хайвон ёки одамларни илох деб эътиқод килувчи барча тоифаларнинг эътиқодларига.

5. Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган.

Ҳа, Аллох таолога бирор зот на зотида, на сифатида ва на аъмолида тенг бўлган эмас, бўлмайди ҳам.

Қуръон ана шундай қилиб Аллох таолони камолот сифатлари ила сифатлайди. Ислолда Аллох таоло барча нуқсон ва айблардан поклаб ёд этилади. Чунки Ислол акидаси Аллох таолонинг Ўзи томонидан жорий этилган акидадир. Бошқа акидаларга ўхшаб одамлар ҳаёлларига келган нарсани тўқиб олган акида эмасдир.

Баъзи уламоларимиз “Ихлос” сураси ҳақида қуйидаги умумий мулоҳазани қилганлар: “Ушбу сураи қарима тўрт оятдан иборатдир. У жуда ҳам мўъжаз ва жуда ҳам мўъжиза бўлиб келгандир. У Аллох таолонинг жамоли ва қамолони очиклаб келгандир. У Аллох таолони барча ожизлик ва нуқсон сифатларидан поклаб келгандир”.